2015 ЙИЛ 11 ИЮНЬ, ПАЙШАНБА

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 120 (12.933)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Оқил Ғуломов олган сурат

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

ЁШЛАРИМИЗ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Учтепа туманидаги «Тинчликобод» маҳалласида намунавий лойиҳа асосида бунёд этилган «Камолот» уйлари фойдаланишга топширилди. Эндиликда ҳар бири 32 хонадондан иборат бўлган иккита тўрт қаватли замонавий уйда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган, фан, таълим, маданият ва спорт соҳаларида юксак натижаларга эришган ёшлар истиқомат қилади.

Юртбошимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори баркамол авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришда дастуруламал бўлмоқда.

Мазкур қарор асосида тасдиқланган дастурга биноан республикамизнинг ҳар бир ҳудудида «Камолот» уйларини қуриш ва уларни ҳар бир соҳада катта муваффақиятларга эришган ёш оилаларга имтиёзли кредит асосида бериш ҳамда ушбу турар жойлар негизида келажакда «Камолот» шаҳарчаларини бунёд этиш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрда «Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Мазкур уйлар «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони соҳибларидан, Республика ва Халқаро олимпиадалар, мусобақалар ва танловларда фахрли ўринларни эгаллаган ёш оилаларга бошланғич бадал тўламасдан, 20 йил муддатга имтиёзли ипотека кредити асосида фойдаланишга топширилади. Унинг дастлабки беш йили имтиёзли давр ҳисобланиб, бошланғич бадал тўланмайди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ёшларни мустақиллик ғоялари руҳида тарбиялаш, маънавияти ва дунёқарашини шакллантириш, уларга таълим бериш сифатини яхшилаш, ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб вояга етишишлари учун барча шароитлар яратиб бериш давлатимизнинг устувор вазифалари сирасига киришини таъкидлаб ўтишди.

— Юртбошимизнинг «Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт» деган пурмаъно сўзларида мамлакатимизда ёш авлодни тарбиялаш ва қўллаб-қувватлаш борасидаги давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти ўз ифодасини топган, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар Кенгашининг юрист-консультанти Нурали Султонов. — Зеро, уларга яратиб берилаётган имкониятлар негизида ёшларимизнинг бахтли ва фаровон ҳаёти мужассам. Бундай тўкис шарт-шароитларга эга уйларда истиқомат қиладиган ёшларимиз Ватанимиз ривожи йўлида сидқидилдан хизмат қилмоқликлари лозим.

— Президентимиз раҳнамолигида биз ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрлик учун чексиз миннатдорчилик билдираман, — дейди Республика фан олимпиадасида икки марта ғолибликни қўлга киритган Отабек Баракаев. — Қувончимизнинг чеки йўқ. Бугун ҳаётимиздаги энг бахтли кунлардан бири сифатида хотирамизда қолади.

— Янги уйнинг калитини олганимда қалбим қувончга тўлди, — дейди «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони соҳибаси Луиза Ашурова. — Энди менинг ҳам ўз шахсий уйим бор. Бу уйда фарзандларимни катта қилишни ўйлаб қанчалар бахтиёрлигимни билсангиз эди. Биз ёшларга яратилаётган бундай беқиёс имкониятлар ҳеч бир мамлакатда мавжуд эмас.

Ҳа, юртимизда амалга оширилаётган эзгу ишлар замирида бугунги кун ёшларининг ёрқин келажаги, мустаҳкам соғлиғи, бахтли ва фаровон ҳаёти мужассам. Инчунун, келажак бугундан бошланади. Бизнинг келажагимиз пойдевори бўлган ёшларимизнинг бахти ва саодати ҳар нарсадан устундир.

Гулчехра ДУРДИЕВА

ЎЗБЕКИСТОН — БМТ: ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДА ҲАМКОРЛИК

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Мун 2015 йилнинг 11-12 июнь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

1992 йил 2 мартдан, яъни мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган кундан эътиборан ушбу нуфузли халқаро ташкилот билан самарали ва кўпқиррали ҳамкорлик бошланган эди.

Давлатимиз раҳбари БМТнинг қатор саммитларида иштирок этди, уларда нафақат Ўзбекистон учун, балки кенг миқёсли Марказий Осиё минтақаси учун муҳим бўлган ташаббуслар илгари сурилди. Мазкур ташаббуслар жаҳонда ўзининг кенг эътирофини топди ва қўллаб-қувватланди. Улар орасида БМТ Бош Ассамблеяси минбаридан янграган Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудудни яратиш тўғрисидаги ғоя алоҳида ўрин тутади.

БМТ Бош котиби Кофи Аннаннинг 2002 йил октябрь ойида Ўзбекистонга буюрган ташрифи чоғида Президент Ислом Каримов таклифи бўйича «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва улар прекурсорларининг қонунга хилоф равишда муомалада бўлишига қарши курашиш бўйича Марказий Осиё минтақавий ахборот мувофиқлаштириш маркази» ташкил этилди.

Ўзбекистон ташаббуси билан 2010 йили БМТ Котибияти ва Шанҳай Ҳамкорлик Ташкилоти Котибияти ўртасида Ҳамкорлик тўғрисидаги декларация имзоланди. Ушбу ҳужжат минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашда бу икки тизимнинг иштирокини кенгайтиришга йўналтирилгандир.

Сўнгра ШҲТ Котибияти ва БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси, шунингдек, Осиё ва Тинч океани минтақаси иқтисодий ва ижтимоий комиссияси ўртасида Англашув меморандумлари имзоланди.

Ўз навбатида, 2002 йил октябрда БМТ Бош котиби Кофи Аннан, 2010 йилнинг апрель ойида БМТ Бош котиби Пан Ги Мун мамлакатимизга келди.

Сўнгги йиллар давомида БМТ билан ҳар томонлама ҳамкорлик сезиларли даражада фаоллашди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг ўринбосари, БМТ Тараққиёт дастурининг раҳбари Ҳелен Кларк, БМТ Бош котибининг ўринбосари Нойлин Хейзер, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти бош директори Жозе Грациану да Силва, БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош котиби Талеб Рифаи, БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти – ЮНЕСКО Бош директори Ирина Бокова, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори Маргарет Ченнинг Ўзбекистонга ташриф буюргани бу фикрни тасдиқлайди.

Мамлакатимизнинг тинчликсевар сиёсати ҳамда унинг халқаро ҳуқуқнинг тамойил ва меъёрларига содиқлиги БМТ билан ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаб берди. Масалан, хавфсизликни таъминлаш соҳасида конструктив ҳамкорликнинг катта тажрибаси тўпланди. Ўзбекистон қуролсизланиш ва қурол-яроғларни тарқатмаслик соҳасидаги барча муҳим халқаро битим ва шартномаларнинг иштирокчиси ҳисобланади. Республикамиз БМТнинг терроризм билан кураш бўйича 13 та конвенциясига қўшилган.

Ўзбекистоннинг БМТ билан биргаликдаги саъй-ҳаракатлари экология ва атроф-муҳит муҳофазаси масалаларини, энг аввало, Орол денгизи муаммосини ҳам қамраб олган.

Ушбу ҳалокатли ва кенг қамровли экологик инқирознинг нақадар жиддийлигини теран англаган ҳолда Президент Ислом Каримов 1993 йил 28 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини ушбу муаммога қаратди ҳамда уни ҳал қилиш бўйича амалий чора-тадбирларни таклиф қилди. Бу даъват ҳар томонлама қўллаб-қувватланди. 1993 йили республикамиз раҳбарининг ташаббуси билан Марказий Осиёнинг беш давлати раҳбари томонидан Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсис этилди. 2008 йили ушбу жамғармага БМТ Бош Ассамблеяси ҳузурида кузатувчи мақоми берилди.

(Давоми 2-бетда)

ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Жиззахда «Истеъдодим сенга бахшида, Ватан!» шиори остида ёш ижодкорларнинг «Истеъдод мактаби – 2015» минтақавий семинари бўлиб ўтди. Унда адабиётнинг назм, наср, бадиий публицистика, таржима, болалар адабиёти, драматургия йўналишларида ижод қилаётган Сирдарё ва Жиззах вилоятларидан бир гуруҳ иқтидорли ёшлар иштирок этди.

● Бухорода «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

● Наманганда слаломда эшкак эшиш бўйича Ўзбекистон кубогининг иккинчи ва учинчи босқич мусобақалари бўлиб ўтди. Унда Наманган, Андижон, Фарғона, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳридан 80 нафар спортчи иштирок этди.

● Навоийда хотин-қизларни тадбиркорликка жалб этиш, ўз бизнесини йўлга қўйиш истагида бўлган касб-ҳунар коллежи битирувчиларини қўллаб-қувватлаш борасида тижорат банклари томонидан олиб борилаётган ишлар самарадорлигини янада оширишга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

● Самарқандда «Ижтимоий барқарорликни янада мустаҳкамлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби» мавзусида республика анжумани бўлиб ўтди.

● Нукусда Ўзбекистон Бадиий академияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлимининг кўргазмалар саройида латвиялик таниқли рассом Валдис Бушс асарлари кўргазмаси очилди.

● Фарғонада «Ўзбекистон инфратузилмаси: Фарғона водийси – 2015» халқаро ҳудудий кўргазмаси иш бошлади. Кўргазмада Германия, Италия, Хитой, Япония, Россия, Туркия, Венгрия каби ўндан зиёд давлатларнинг ўттиздан ортиқ хорижий компанияси иштирок этмоқда.

ЖАҲОНДА

● Ҳиндистон шимолидаги Уттар-Прадеш штати ҳукумати Nestle компаниясининг тез тайёр бўладиган макарон маҳсулотларида кўп миқдорда қўрғошин борлигини аниқлагач, ушбу компанияни судга берди. Ҳиндистон озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонлар назорати бўйича бошқармаси вакиллари март ойидаёқ режали текширувлар чоғида Maggi савдо белгиси остида чиқариладиган маҳсулотлар таркибида қўрғошинни аниқлашган эди.

● 9to5mac нашри Apple компаниясига тегишли деб тахмин қилинган автомобиллар сирини фош қилди. Маълум бўлишича, ушбу автомобиллар Apple Maps харита сервиси сифатини ошириш учун ахборот йиғиш билан шуғулланади. Автомобиллар ёрдамида компания бир йўла учта масалани ҳал қилади. Харита учун юқори сифатли маълумотлар йиғади, бинолар олд томонини суратга олади ва 3D тасвирларга эга бўлади.

● Канада суди йирик тамаки ишлаб чиқарувчи компанияларга улар чекишнинг зарари ҳақида огоҳлантирмаганидан шикоят қилган фуқароларга 15,5 миллиард Канада доллари (12,4 миллиард АҚШ доллари) тўлаш мажбуриятини юклади. Тамаки ишлаб чиқарувчиларнинг кашандаларга маънавий зарар учун тўлайдиган ушбу товони Канада тарихидаги энг йириги бўлади.

ИНСОН САЛОМАТЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР САМАРАСИ

Римда БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотига (ФАО) аъзо давлатларни уларнинг очарчиликка барҳам бериш бўйича саъй-ҳаракатлари учун мукофотлаш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришган ва жорий йилда мукофотланган 14 мамлакатдан бири бўлди.

Ўзбекистонга ушбу нуфузли мукофотнинг топширилиши тарихий воқеадир. Ҳолбуки, 25 йил аввал, яъни мустақилликка эришиш арафасида мамлакатимиз асосий озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан, буғдой, ёрма, гўшт, сут маҳсулотлари, тухум ва шакарни четдан олиб келишга мажбур эди. Бугунги кунда Ўзбекистон озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган ўз эҳтиёжини нафақат мустақил таъминламоқда, балки юртимизда ишлаб чиқарилган товарларни экспорт қилаётир.

Ушбу ютуқларга эришиш тарихи воқеаларга бойдир. Мустақил тараққиёт йўлини танлаган мамлакатимиз ўз умрини ўтаб бўлган маъмурий режалаштириш-тақсимлаш тизимидан тўлиқ воз кечди. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш йўли танланди. Чунончи, бу борада фермер хўжаликлари ташкил этилди, қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатлари такомиллаштирилди, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бошқаришнинг ташкилий тузилмалари жорий этилди, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқий ҳимояси таъминланди.

Қулай табиий-иқлим шароитида амалга оширилган ушбу чора-тадбирлар самарасида юқори сифатли сархил мева-сабзавотлар етиштириш имконияти кенгайди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ривожланиши мамлакатимиз озиқ-овқат саноати корхоналари юксалишига олиб келди. Пировард натижада буларнинг барчаси аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш масаласини ҳал этишга хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, аҳоли томонидан истеъмол қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигига, тўлақонли овқатланиш нормаларига эришилди.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида муайян тажриба тўплаган Ўзбекистон 2001 йилда БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотига (ФАО) аъзо бўлди. Шу тариқа мамлакатимиз халқаро илғор тажрибани ўрганиш, ўз имкониятларини намойиш этиш, долзарб масалаларни ҳал қилиш йўлларини биргаликда ишлаб чиқиш учун янги имкониятларга эга бўлди.

Мамлакатимизда ФАО билан ҳамкорлик самарасида ўнлаб миллий ва минтақавий лойиҳа амалга оширилди. Сувни тежаш ва сув ресурсларини бошқариш бўйича мутахассислар тайёрланиб, замонавий технологиялар жорий этилмоқда. Ерга ишлов бериш, селекция ва уруғчилик, шунингдек, чўлланиш ва ер емирилишига қарши курашишнинг илғор услублари ҳаётга татбиқ қилинмоқда. Бунинг натижасида ғаллачилик, пахтачилик, чорвачилик, боғдорчилик ва бошқа соҳаларда маҳсулот ҳажми ва сифати ошмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини нафақат хомашё, балки тайёр маҳсулот сифатида экспорт қилиш борасида давлатимиз имкониятлари кенгаймоқда.

Давлатимиз раҳбари 2014 йилда «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусида бўлиб ўтган халқаро конференцияда ҳам шу ҳақда сўз юритди. Конференцияда мамлакатимизда ҳар йили 16 миллион тоннага яқин мева ва сабзавот етиштирилаётгани, аҳоли жон бошига қарийб 300 килограмм сабзавот, 75 килограмм картошка ва 44 килограмм узум тўғри келаётгани ва бу оптимал, яъни мақбул деб ҳисобланадиган истеъмол меъёридан уч баробар кўп экани таъкидланди. Бундан ташқари, Ўзбекистон ҳар йили дунёнинг 80 давлатига 180 дан ортиқ турдаги сархил мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотларни экспорт қилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН — БМТ:
ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДА ҲАМКОРЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда)

БМТ Бош котиби Пан Ги Мун 2010 йилнинг апрелида Ўзбекистонга ташрифи чоғида Оролбўйида бўлиб, экологик бўҳрон оқибатларини бартараф этиш юзасидан республикамизда олиб борилаётган кенг кўламли ишлар билан танишди. БМТ ва Ўзбекистон ҳукуматининг «Орол денгизи инқирози натижасида жабрланган аҳолининг ҳаёти ва фаолиятини таъминлаш» кўшма дастури қабул қилингани ушбу ташрифнинг амалий якуни бўлди.

2013 йил 16 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеяси 68-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилган «Орол денгизи қуришининг оқибатларини тугатиш ва Оролбўйидаги экотизим инқирозини бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар дастури» ҳам Бош котиб томонидан қўллаб-қувватланди.

2014 йилнинг октябрь ойида БМТ вакиллари 24 та халқаро ва минтақавий ташкилотлар, молия институтлари қаторида, дунёнинг 26 мамлакатидан келган олим ва экспертлар билан бирга Урганч шаҳрида бўлиб ўтган «Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш» мавзуидаги Халқаро конференцияда иштирок этди. Ушбу анжуман якунига кўра, умумий қиймати 3,2 миллиард АҚШ долларидан зиёд ҳажмни қамраб олган миллий ва минтақавий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон ва БМТ ижтимоий-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳам жадал ҳамкорлик олиб бормоқда. Жумладан, 1993 йилдан 2014 йилгача БМТнинг Ўзбекистондаги агентликлари билан ҳамкорликда умумий қиймати 434 миллион АҚШ долларига тенг 442 лойиҳа амалга оширилди. Ушбу лойиҳалар Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш, давлат бошқарувини мустаҳкамлаш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги, маданият, илм-фан ва таълим, коммуникациялар ва бошқа жабҳаларда ҳаётга тадбиқ этилгани эътиборга моликдир.

БМТ Болалар жамғармаси (ЮНЕСКО) ва БМТ Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА) билан ҳамкорликда юртимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва гендер тенглигини таъминлаш борасидаги дастурлар ҳаётга тадбиқ этилаётир. Улар, хусусан, болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, юқумли касалликларнинг олдини олиш ва вакцинация тадбирларини амалга ошириш, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида тиббий маданиятни юксалтириш, санитария-гигиена меъёрларига амал қилишни таъминлаш, аёлларнинг жамият ҳаётидаги ўрнини ва уларни иш билан таъминлаш имкониятларини ошириш, репродуктив саломатлик соҳасидаги хизматларни кенгайтириш сингари соҳаларни қамраб олган.

БМТ агентликларининг бевосита кўмагида сўнгги йилларда Ўзбекистонда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, озиқ-овқат хавфсизлиги, Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси ҳамда бошқа кўпгина мавзуларга бағишланган йирик халқаро анжуманлар ўтказилди.

2014 йилнинг июнь ойида ФАО Бош директори Жозе Грациану да Силванинг республикамизга ташрифи чоғида Тошкентда ушбу ташкилотнинг ваколатхонасини очиш юзасидан битим имзоланди, 2014 йилнинг октябрь ойида эса – «ФАО-нинг Ўзбекистон учун ҳадли ҳамкорлик дастури» имзоланди.

2014 йилнинг октябрь ойида БМТ жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЮНВТО) Ижроия кенгашининг 99-сессияси Самарқандда ўтказилгани ўлкамизнинг улкан сайёҳлик салоҳияти халқаро майдонда эътироф этилаётганини яна бир карра тасдиқлади.

Ўзбекистоннинг бой тарихий-маданий меросинини асраб-авайлаш ва оммалаштириш борасида ЮНЕСКО томонидан катта ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, ЮНЕСКО шафеълигида Ўзбекистон тарихий шаҳарлари ҳамда халқимизнинг буюк аждодларининг қутлуғ саналари халқаро миқёсда нишонланди.

Кўҳна Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарлари, Бухоронинг тарихий маркази, Хивадаги Ичан-қалъа мажмуаси ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси объектлари рўйхатига киритилган. 2014 йилнинг 27 ноябрь куни ЮНЕСКО Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш кўмитасининг Парижда бўлиб ўтган IX сессиясида ўзбек ўткир сўз санъати — аския Инсониятнинг номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритилди. ЮНЕСКО кўмагида 1997 йилдан бошлаб Самарқандда ҳар икки йилда «Шарқ тароналари» Халқаро мусиқа фестивали ўтказиб келинмоқда.

Шундай қилиб, бугун ишонч билан айтиш мумкинки, ўтган 23 йил мобайнида Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги муносабатлар муҳим воқеаларга бой бўлгани баробарида, улар барча йўналишда жадал ривожланиб келмоқда.

БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг мамлакатимизга ушбу ташрифи муҳим воқеа бўлиб, Ўзбекистон ва БМТ томонидан халқаро тараққиёт ва равнақ йўлидаги кўп қиррали ва сермаҳсул ҳамкорликка қаратилаётган катта эътиборнинг яққол намунасидир.

«Жаҳон» АА

«Қариси бор уйнинг париси бор» деган ҳикматда чуқур маъно мужассам. Юртбошимиз томонидан 2015 йилнинг «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилиниши ҳам юртимизда кекса авлод вакилларига кўрсатилаётган эътиборнинг ёрқин намунаси бўлди.

Анжуманлар

КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ — БЕБАҲО ҚАДРИЯТИМИЗ

Куни кеча Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш ўқув курси томонидан «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижроси йўлида юз билан юзлашган отахон ва онахонларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш мақсадида «Кексаларни эъзозлаш — бебаҳо қадриятимиз» мавзуида илмий-амалий конференция ўтказилди.

Тадбирда сўз олган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари И. Мирзаалиев, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Ш. Турдиқулов, Ўқув курслари директори С. Бобоқулов ва бошқалар мустақиллик йилларида мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик мустаҳкам қарор топганлиги, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, меҳр –оқибат туйғулари одамлар қалби ва шуурида чуқур жой олганлиги, аждодлар хотирасини ёд этиш, эзгу ишларини давом эттириш, элу юрт тинчлиги ва равнақи йўлида хизмат қилган кексаларни эъзозлаш маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланганлигини таъкидлаб ўтдилар. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 13 октябрдаги «1941-1945 йилларидаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан кексаларни ижтимоий ҳимоялаш кўлами янада кенгайганлиги, хусусан, уруш ва меҳнат фронти фахрийлари йилига бир марта санаторий-соғломлаштириш муассасаларида бепул даволаниш имкониятига эга бўлганликлари ҳам қайд этилди.

Тадбирда «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ва Юртбошимизнинг «Кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида белгилаб берилган энг муҳим вазифалар, ёши улуғ инсонларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш ва соғломлаштириш каби хайрли ишларни амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни каби масалаларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Шу куни ўқув курслари томонидан тайёрланган «Кексалари эъзозланган юрт» номли рисоланинг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Ушбу рисола кекса авлод вакилларининг ҳаёт йўлларини ўзида акс эттирувчи турли ҳаётий материалларни қамраб олган ҳолда ўсиб келаётган ёш авлод вакилларини она Ватанимизнинг яқин ўтмишдаги ва янги тарихини англаб етиши ҳамда ундан зарур сабоқ ва хулосалар чиқариб олишларига хизмат қилади.

Тадбир давомида юзу кўзларидан нур ёғилиб турган мўътабар кексаларга эсдалик совғалари топширилди. Қўлларини дуога очган отахон-онахонларнинг самимий ва юракдан айтаётган миннатдорлик ҳамда шукроналик сўзларини эшитиб беихтиёр Президентимизнинг «... барчамизни оқ ювиб, оқ тараган, она юртимизнинг оғир юкини, унинг қувонч ва ташвишини умр бўйи елкасида кўтариб келган мўътабар боболаримиз ва момоларимиз, ота-оналаримизни рози қилиш, уларнинг дуосини олиш — дунёдаги энг улуғ, энг савоб ишдир», деб таъкидлаганлари ёдга тушди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Таълим

БЎЛҒУСИ ШИФОКОРЛАРГА ДИПЛОМЛАР ТОПШИРИЛДИ

Мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртларида навбатдаги ўқув йили якунланиб, ёш мутахассисларга келгуси ҳаётда оқ йўл тилаган ҳолда дипломларини топшириш тадбирлари ҳам бошланди.

Жумладан Тошкент Тиббиёт академиясида ҳам магистратуранинг барча ўқув режа ва дастурларини муваффақиятли бажарган ҳамда якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган магистрантларга магистрлик дипломларини топшириш маросими бўлиб ўтди. Жорий йилда академияни 44 та мутахассислик бўйича 270 нафар магистрлар битирди.

Ширин сўзию юқори касб маҳорати билан аҳоли соғлиғини сақлашга камарбаста бўлган бўлғуси шифокорларни Тошкент Тиббиёт академияси ректори Ш.Каримов, маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректор Т. Бобомуродов, ички касалликлар ва умумий амалиёт шифокори тайёрлаш кафедраси профессори А.Гадаев, фтизиатрия кафедраси доценти К.Муҳамедов, илмий ишлар бўйича проректор Ш.Боймуродовлар самимий қутлаб, ёш мутахассисларнинг келгусидаги фаолиятларида омад тилашди.

Ўз навбатида умумий хирургия магистратураси битирувчиси Анвар Ражабов, кардиология магистратураси битирувчиси Дилдора Ражабовалар ҳам академияда олган замонавий билим ва малакаларини қўллаган ҳолда тажрибаларини ошириб, аҳоли саломатлигини яхшилашга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшажакларини таъкидлаб ўтишди. Шунингдек, ота-оналар ҳам ўз дил сўзларини изҳор этишди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

СУРАТДА: тадбирдан лавҳа

Козим Ўлмасов олган сурат

Бандлик дастури — амалда

КОЛЛЕЖ БИТИРУВЧИЛАРИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ

Касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун ўқув йили якунланиб, улар ҳаётида янги давр бошланмоқда. Айни пайтда барча касб-ҳунар коллежларида битирувчиларни иш билан таъминлаш бўйича учрашув ва семинарлар ташкил этилиб, ташкилот ва корхоналар вакиллари бўш иш ўринлари ва меҳнат шароитлари билан таништирмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига бўлган ёндашувни тубдан ўзгартирди. Бу борада ишлаб чиқилган «таълим — ишлаб чиқариш» тизими касб-ҳунар коллежларида таълим-тарбия сифатини ошириб, битирувчиларнинг иш билан таъминланиши учун ҳам кенг шароитлар яратмоқда.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказидан олинган маълумотларга кўра, жорий йилда касб-ҳунар коллежларини 33 мингдан зиёд ёш битиради. Айни пайтда уларни ишга жойлаштириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, ишлаб чиқариш амалиёти аксарият битирувчилар учун келажакда ўз иш жойини эгаллаш имконини бераётир. Битирувчиларнинг 90 фоиздан ортиғи уч томонлама шартнома тузиб, саноатнинг турли тармоқлари, коммунал хизмат кўрсатиш, хизмат ва сервис соҳаларида меҳнат қилади.

– «Global Patinum Servise» корхонасида амалиёт ўтаб, бир неча ойдан буён механик-чилангар бўлиб ишлаяпман, – дейди Тошкент авиасозлик касб-ҳунар коллежи битирувчиси Санжар Ўрмонов. – Амалиётнинг биринчи кунидан корхонанинг тажрибали мутахассисига бириктирилдим ва ундан кўп нарса ўргандим. Танлаган касбим менга жуда ёқади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда яратилган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими миллий тизими ўз самарасини бераётир. Меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касб ва мутахассисликни эгаллаган ҳар бир йигит-қиз ўзи учун муносиб ишга жойлашиб, салоҳиятини намоён этиши, шубҳасиз.

Роман БОНДАРЧУК, ЎзА мухбири

ИНСОН САЛОМАТЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР САМАРАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари олдига 2020 йилда мева-сабзавот, узум ва полиз маҳсулотлари етиштиришни 2014 йилга нисбатан камида 2,3 марта кўпайтириш вазифасини кўйди. Бунинг учун қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш ва модернизация қилиш, ернинг мелиоратив ҳолатини ва ирригация тизимини яхшилаш, тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ишларни давом эттириш ва чуқурлаштириш зарур. Бу борада хорижий инвестицияларни жалб қилиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сотиш учун янги бозорлар топиш, уларни сақлаш, логистика ва истеъмолчиларга етказиб беришнинг замонавий тизимини шакллантириш ҳам муҳим масалалар сирасига киради.

Ўзбекистон ушбу истиқболли вазифаларни инобатга олган ҳолда, ФАО билан самарали ҳамкорлик кўламини кенгайтиришга қарор қилди. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти бош директори Жозе Грациану да Силванинг мамлакатимизга ташрифи бу борада муҳим қадам бўлди. Олий даражада ўтказилган музокаралар чоғида Ўзбекистонда ушбу халқаро ташкилотнинг ваколатхонасини ташкил этиш ҳақида келишувга эришилди.

Бунинг натижасида 2014 йилда ФАО ваколатхонаси ўз фаолиятини бошлади. Мамлакатимиз ва хорижий мутахассисларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари юртимиз қишлоқ хўжалиги тармоғини ривожлантириш, соҳа ходимларининг малакасини ошириш, ушбу йўналишдаги илғор жаҳон тажрибасини ўрганиш ва Ўзбекистон тажрибасини тарғиб этишга қаратилган.

ФАОнинг Марказий Осиё бўйича субминтақавий мувофиқлаштирувчиси ва Ўзбекистондаги вакили Юрико Шожининг сўзларига кўра, ўтган йили 2014-2017 йилларга мўлжалланган мамлакатлар ҳадли дастурининг имзоланган Ўзбекистоннинг ушбу халқаро ташкилот билан яқин ҳамкорлигининг муҳим йўл харитасига айланди. Мазкур дастур қишлоқ хўжалиги экинларини диверсификация қилиш, ишлаб чиқариш ва чорва моллари саломатлигини яхшилаш, зараркунандаларга қарши курашиш, балиқ етиштиришни кенгайтириш ва сув ресурсларидан барқарор асосда оқилона фойдаланишга қаратилган.

Хусусан, ФАО табиатга зиён етказмаган ҳолда деҳқончилик билан шуғулланиш ва бошқа янги қишлоқ хўжалиги услубларини жорий қилиш соҳасида техник кўмаклашмоқда. Сақлаш муддати ва экспорт ҳажмини ошириш мақсадида қишлоқ хўжалиги экинларини экиш, йиғиштириб олиш, қайта ишлаш ва сақлаш бўйича янги технологиялар ҳаётга татбиқ этилаётир.

– Шу йилнинг март ойида Ўзбекистон билан ФАО ўртасида умумий қиймати қарийб 1,6 миллион долларлик тўртта шартнома имзоланган ушбу дастурни амалга оширишда амалий механизм бўлиб хизмат қилаётир, – дейди ФАОнинг Ўзбекистондаги вакилининг ўринбосари Алишер Шукуров.

2014-2017 йилларга мўлжалланган мамлакатлар ҳадли дастури доирасида Ўзбекистонда органик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш лойиҳаси ҳам ишлаб чиқилмоқда. Тажриба ўтказилаётган фермер хўжаликлари мисолида органик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш чоралари намойиш этилиб, қишлоқ хўжалиги соҳасида фермер ва мутахассислар малакасини ошириш, бу борадаги замонавий технологияларни жорий этиш бўйича таништирув тадбирлари ўтказиш режалаштирилмоқда.

Ушбу чора-тадбирларнинг ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатимизга озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўз позициясини мустаҳкамлаб, глобал озиқ-овқат дастурини амалга оширишга салмоқли ҳисса қўшиш имконини беради. Жорий йилда бутун дунёда Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш якунланади. Давлатлар Барқарор ривожланиш мақсадларига босқичма-босқич ўтмоқда ва ушбу мақсадларга эришиш Ер юзида очарчилик муаммосини бартараф этиш имконини беради.

Яна бир муҳим жиҳат. Шу йилнинг март ойида БМТ «Дунёда озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ ишлар аҳволи – 2015» маърузасини эълон қилди. Ушбу ҳужжатда «очарчиликка қарши курашишда тараққиётга эришган мамлакатлар бу борадаги ишларни барқарор сиёсий шароитларда амалга оширди, инклюзив иқтисодий юксалиш, қишлоқ хўжалиги, балиқчилик ва ўрмон хўжалигининг ривожланишини таъминлади» дейилган. Бу ҳақли равишда Ўзбекистонга ҳам тааллуқлидир. Зеро, юртимизда тинчлик, хотиржамлик ҳукм сураётгани, халқимизнинг меҳнатсеварлиги ва ҳар биримизнинг янги билим ҳамда ютуқларга интилишимиз фаровонлигимиз кафолатидир.

Сардор ТОЖИЕВ, ЎзА шарҳловчиси

Қарор ва ижро

МУҚОБИЛИ ЙЎҚ НЕЪМАТ

Ер юзининг 70 фоизи сув билан қопланган бўлишига қарамай, ичимлик суви захиралари бор-йўғи 2,5 фоизни ташкил қилади. Шунинг 70 фоизи қутб музликларида тўпланган, яна катта қисми чуқур ер ости қатламларида жойлашган. Инсон ичимлик суви манбаларининг фақат бир фоизидангина фойдаланиши мумкин.

Статистик маълумотларга қараганда, одам кундалик эҳтиёжи учун ўртача 100 литр сув ишлатади. Бу кўрсаткич шаҳарларда 140 литрни, қишлоқларда 80 литрни ташкил этади.

Аҳолининг коммунал-маиший шароити яхшиланаётгани, мегаполислар вужудга келиши тобора тезлашаётгани ичимлик сувига бўлган эҳтиёжнинг ортишига сабаб бўлмоқда. Бугунги кунда дунёнинг энг йирик шаҳарларида киши бошига кунлик сув сарфи 350-600 литрни ташкил этаётгани шундан далолатдир.

Губорингни олувчи ёрдамга муҳтож

Одатда кир бўлган буюмни сув билан ювиб тозалаймиз. Аммо сувнинг ўзи тозалашга муҳтож бўлса-чи? Инсониятнинг мақсадсиз, ўйламай-нетмай фойдаланиши оқибатида обиҳаётнинг ифлосланиш даражаси тобора ортмоқда.

«World Watch» журналида чоп этилган маълумотларга кўра, ичимлик сувининг қониқарли даражада тоза эмаслиги 80 фоиз касалликлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Мисол учун, Африка давлатларида ҳар йили 25 миллион кишининг юқумли касалликлардан вафот этишига ҳам айнан шу омил кўрсатилмоқда. Шаҳарларда тоза сув таъминоти ёмонлашуви ёки назоратнинг сустлашуви яна кўплаб фожиаларни келтириб чиқариши мумкин.

Ўзбекистонда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан биридир. Мустақиллик йилларида марказлашган тармоққа уланган ичимлик суви таъминоти бўйича улкан ишлар бажарилди. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар аҳолисига бир кеча-кундузда 6,4 миллион куб метрдан ортиқ обиҳаёт етказиб берилмоқда.

– Айни вақтда мазкур тизим бўйича етарлича ҳуқуқий асослар яратилган, – дейди «Ўзкоммунхизмат» агентлиги директори ўринбосари Олимжон Аҳмедов. – Ўзбекистон Республикасининг «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 апрелдаги «Давлат санитария назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2000 йилда тасдиқланган ичимлик суви сифатини назорат қилиш тўғрисидаги давлат стандарти каби ҳужжатлар бунинг далилидир.

Агентлик таркибига Туямўйин – Нукус, Туямўйин – Урганч, Дамхўжа ва Зомин туманлараро сув қувурлари, Чимён – Чорвоқ дам олиш ҳудудининг магистрал сув қувурлари киради.

Обиҳаёт дарёлар, булоқ ҳамда қудуқлардан олиниб, бир неча босқичда тозаланади. Сув биринчи босқичда механик усулда тозаланиб, унда ортиқча нарсалар ушлаб қолинади. Сўнг «Сувоқава» тизимидаги каналлар орқали бирламчи тиндиргичларга узатилади. Бу жараёнда сувдаги ноорганик моддалар қарийб 40 фоизгача тозаланади. Биологик тозалаш бўлимида йирик аэротехникалар ёрдамида обиҳаёт яна тиндирилади. Ҳаво ҳайдаш бўлимида атмосферадаги ҳаво сўрилиб, қувурларга тақсимланади. Бунда сувдаги мавжуд органик моддалар нордонлаштирилиб, тозаланади. Шундан кейин сув иккиламчи тиндиргичларга узатилиб, у ерда сув лойқаси тиндирилгач, хлорлаш учун бошқа қувурга ўтказилади.

Сув чиқариш иншоотларининг кимёвий-бактериологик лабораторияси кечаю кундуз фаолият юритади. Бунда сувдан ҳар уч соатда намуналар олиниб, таҳлил қилинади. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги сув бошқармаларида ҳам лабораториялар мавжуд бўлиб, ҳудудлардаги объектлар, мисол учун, мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, бозорлардаги сувнинг назорат таҳлили билан шуғулланади.

Ҳа, аҳолига ичимлик суви етказиб бериш катта меҳнат ва мураккаб жараённи талаб этади. Унинг экологик нуқтаи назардан тоза бўлиши ва ҳар бир шахс ундан оқилона фойдаланишга интилиши инсониятнинг узоқ умр кўриши ва фаровон ҳаёт кечиришида муҳим аҳамият касб этади.

Ислоҳотлар замирида – инсон манфаатлари

Мамлакатимизда фуқароларни, хусусан, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар изчил давом эттирилмоқда. Қорақалпоғистон Республикасида ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилаётганини кўриш мумкин. 2014 йилда 24 лойиҳа рўёбга чиқарилиб, 25 маҳалла ва овулда яшовчи 16 мингга яқин аҳоли марказлашган ичимлик сувидан баҳраманд бўлди. Бундан ташқари, «Қорақалпоғистон Республикасини ичимлик суви билан таъминлаш ва реконструкциялашнинг 2020 йилгача бўлган стратегияси»га мувофиқ Манғит, Чимбой, Бўстон шаҳарлари ҳамда Қанликўл тумани марказида 15,7 километрлик обиҳаёт тармоқлари қуриб битказилади. Айни вақтда Нукус шаҳридаги 25 кўп қаватли уй, «Дўстлик» канали бўйида барпо этилаётган ижтимоий соҳа объектлари, Беруний тумани марказидаги Халқлар дўстлиги ҳамда Беруний кўчаларини ичимлик ва оқава сув билан таъминлаш юмушлари давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 25 февралдаги «Республика аҳоли пунктларини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори марказлаштирилган ичимлик суви таъминоти бўлмаган тоғли ва чўл ҳудудларга ичимлик суви етказиб беришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Унга кўра, ичимлик суви тизимидаги корхоналарга етти йиллик муддатга етти фоизли лизинг асосида сув ташишга мўлжалланган 483 техника ажратилди. Улар марказлаштирилган ичимлик суви етказиб бериш қийин бўлган узоқ аҳоли пунктларига режа асосида обиҳаёт етказиб бериш билан шуғулланмоқда.

Қишлоқ туманлари ва шаҳарлар аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш, мазкур йўналишдаги лойиҳаларни амалга ошириш учун ҳар йили давлат дастурлари доирасида бюджет маблағлари ҳисобидан қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. 2015-2019 йилларда марказлашган капитал маблағлар ҳисобидан ҳудудларда янги тармоқлар, ичимлик суви иншоотларини қуриш ва реконструкциялаш бўйича 432,8 миллион долларлик лойиҳаларни рўёбга чиқариш кўзда тутилган. Бу 500 мингга яқин аҳоли хонадонида ичимлик суви таъминоти тубдан яхшиланиб, уларнинг турмуш даражаси юксалишига имкон яратади.

Чет эл инвестицияси ҳисобидан жойларда сув таъминотини яхшилаш ҳам доимий эътиборда.

Мамлакатимиз Халқаро ирригация ва дренаж миллий қўмитаси, Бутунжаҳон сув кенгаши, Йирик тўғонлар бўйича халқаро комиссия ва бошқа қатор халқаро ташкилотлар аъзосидир. Ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилишнинг 2015-2019 йилларга мўлжалланган режаси асосида ўттиздан зиёд лойиҳага халқаро молия институтларининг 817,7 миллион доллар маблағи жалб этилиши режалаштирилган. Унга кўра, дастлаб бир нечта вилоятнинг сув иншоотлари, қувурлари ва тармоқлари реконструкция қилинади, янгилари қурилади. Сирдарё вилоятининг бешта туман маркази ва қишлоқ аҳоли пунктларида ичимлик суви таъминотини яхшилаш, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида канализация тизимларини реконструкция қилиш борасида Жаҳон банки билан амалга оширилаётган лойиҳалар шулар сирасидандир.

Бундан ташқари, Осиё тараққиёт банки иштирокида «Қўқон ва Андижон шаҳарлари сув таъминоти ва канализацияси тизимлари ҳамда Фарғона, Марғилон ва Риштон шаҳарлари сув таъминоти тизимларини қайта тиклаш» лойиҳаси амалга оширилмоқда. Унга кўра, мазкур шаҳарларда 55 километрлик ичимлик суви тармоқлари реконструкция қилиниб, 68 сув қудуғи ва 4 сув иншооти таъмирланади. Истеъмолчиларга ичимлик суви экологик жиҳатдан тоза ва саломатлик учун зарарсиз ҳолда, полиэтилен қувурлар орқали етказиб берилади.

Муқобили йўқ неъмат

Табиатда кўпгина неъматларнинг муқобили бор. Вужудимиз турли витаминларга тўйиниши учун бир неъмат ўрнига бошқасини истеъмол қилишимиз мумкин. Сув барча тирик жон учун муқобили йўқ, бебаҳо неъматдир.

Азалдан ота-боболаримиз сувни эъзозлаган, унинг исроф бўлишига қарши курашган. «Сувга тупурма, гуноҳга ботасан», «Сув – тириклик манбаи» каби ибратли сўзлар эл орасида машҳур.

Мамлакатимизда аҳолига арзон ва сифатли сув етказиб бериш мақсадида мазкур соҳа ташкилотлари ер, мулк ва қўшимча қиймат солиғидан озод қилинган. Бу ичимлик суви нархининг жуда юқори даражада ошмаслигини таъминлайди. Аммо бозор иқтисодиётининг ўзига хос тартиб-қоидалари бор. Харид қилинган ҳар бир буюм учун тўловни ўз вақтида амалга ошириш шарт. Зеро, ҳисобсиз нарсанинг қадри ҳам бўлмайди. Ана шунинг учун ҳам сув ҳисобини юритишда ҳисоблагичларнинг ўрнатилиши муҳим аҳамиятга эга. Хонадонларда ҳисоблагичларни ўрнатишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 6 ноябрдаги «Республиканинг иссиқлик ва сув таъминоти ташкилотларини молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори дастуруламал бўлаётир.

Сувнинг сероблиги ва сифати истеъмолчиларнинг тўлов маданияти ҳамда тежамкорлигига ҳам боғлиқ. Обиҳаётнинг қадрига етиб, ундан оқилона фойдаланиш ҳаётимиз сифати, турмушимиз ободлигини янада оширади. Буни ҳар биримиз ҳеч қачон унутмайлик.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА шарҳловчиси

Учтепа тумани ҳокимининг
ҚАРОРИ

УЧТЕПА ТУМАНИДА ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ ВА ИШ ТОПИШДА ҚИЙНАЛАЁТГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИНИ 2015 ЙИЛ УЧУН БАНД ҚИЛИБ ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1998 йил 5-6-сон, 97-модда), «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2008 йил 7-сон 353-модда), Ўзбекистон Республикаси «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунининг 8-моддасига («Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси» 2008 й. 4-сон, 190-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ-616-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил 15-сон, 156-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган «Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида»ги Низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 34-сон, 333-модда, 2010 йил 13-сон, 96-модда, 2011 йил 1-2-сон, 4-модда, 2012 йил 44-сон, 507-модда), ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2015 йилга мўлжалланган банд қилиниши керак бўлган иш ўринлари сонини ва уларга қўйиладиган талабларни белгилаш бўйича туман махсус комиссиясининг 2014 йил 21 ноябрдаги йиғилиш баённини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Учтепа туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги 159 та ташкилотларда аҳолининг қуйидаги тоифалари учун жами 1452 та иш ўринлари банд қилиб қўйилсин:

ёлғиз ота, ёлғиз она ва 14 ёшгача бўлган ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун – болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни уйғунлаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадвалига эга бўлган иш ўринлари;

таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун – меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ходимга иш жараёнларини тўсқинликсиз бажариш имконини (соғлиғининг аҳволи ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид кўрсаткичлар ҳисобга олинган ҳолда) берадиган иш ўринлари;

бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун – махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

жазони ўташ муассасаларидан бўшатилган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлиги ҳисобга олингани ҳолдаги иш ўринлари, муайян касб-ҳунарга, малакага эга бўлмаган шахслар учун – махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

одам савдосидан жабрланганлар учун – уларнинг касби бўйича тайёргарлиги ҳисобга олинган ҳолдаги иш ўринлари, муайян касб-ҳунарга, малакага эга бўлмаган шахслар учун – махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари.

2. Учтепа туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2015 йил учун банд қилиб қўйиш лозим бўлган ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

3. Иш ўринларини банд қилувчи ташкилотлар раҳбарларига:

ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2014 йил якунланишидан 10 кун олдин банд қилинган иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фоизи учун, 2015 йилнинг 10 апрелидан кечикмай иш жойларининг қолган қисми 75 фоизини барпо этиш (ажратиш ёки банд қилиб қўйиш) тўғрисидаги, яъни ҳар бир тоифа бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар,

мутахассисликлар кесимидаги маълумотларни ва қарор бўйича чиқарилган буйруқ нусхалари туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига тақдим этилсин.

иловадаги шахслар учун иш ўринларининг санитария-гигиена нормалари ва меҳнат шароитларига мувофиқлаштирилиши таъминлансин.

4. Ушбу қарор ижроси бажарилмаган тақдирда ташкилотнинг мансабдор шахсларига «Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги Низом»нинг 15-бандига мувофиқ жарима солинади.

5. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини иловада белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этган ташкилотлар ушбу иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларининг бир қисмини туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканликлари инобатга олинсин.

6. Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази (Ж.А.Ахунджанов):

ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатилсин.

7. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Элтоев зиммасига юклансин.

Учтепа тумани ҳокими
А.Досмухамедов

2014 йил 22 декабрь

Экология

ТАБИАТНИ АСРАШ БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Тошкент темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежида Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунига бағишланган тадбир ўтказилди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси томонидан ташкил этилган тадбирда депутатлар, Экоҳаракат вакиллари, «Ёшлар қаноти» гуруҳи фаоллари, ўқитувчилар, ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, аҳолининг экологик маданиятини ва соҳага оид таълим тизимини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Ўтган даврда Экоҳаракат депутатлар гуруҳи қатор янги қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилинишида фаол иштирок этди. Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалар асосида қабул қилинган «Экологик назорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни экологик назоратни ташкил этиш ва уни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда она табиатни асраш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, узлуксиз экологик таълимни йўлга қўйиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ёшларда экологик дунёқарашни шакллантиришда таълим тизимида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз юритилди.

Н.НАСРИЕВ,
ЎзА мухбири

Тошкент Давлат юридик университетида амалиётчилар, олимлар, ўқитувчилар ҳамда талабаёшлар иштирокида ўтказилган давра суҳбати ҳуқуқ соҳасини ривожлантириш ҳамда қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, ижро ҳокимиятини модернизация қилиш масалаларига бағишланди.

Тадбирлар

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ — АМАЛДА

Унда барча соҳалар қатори юртимизда ҳуқуқ соҳасида ҳам ислоҳотлар амалга оширилаётгани, шу боис ҳам қабул қилинаётган қонун ва қарорларни ёшлар чуқур ўрганишлари зарур эканлиги ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизнинг демократия сари дадил одимлаши амалдаги қонунчиликнинг, энг аввало Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг аҳамияти катта бўлаётганлигини таъкидлаб ўтишди.

Шунингдек, қонун ва қарорларнинг ижроси пухта бўлиши учун ижро ҳокимияти томонидан амалга оширилиши лозим бўлган долзарб вазифалар ҳақида ҳам сўз борди.

Якунда бу борада ечимини кутаётган муаммоларни ҳал этиш бўйича қатнашчиларнинг таклиф ва тавсиялари билдирилди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Бешинчи босқич: викторина давом этади!

«СИЗ ТОШКЕНТНИ БИЛАСИЗМИ?»



Мустақил Ўзбекистонимиз танлаган ўз тараққиёт йўлидан дадил одимлаб, юксак марраларни эгалламоқда. Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилди ва изчил давом эттирилмоқда. Барпо этилаётган маданий-маъмурий иншоотлар, турар жойлар, йўллар ва кўприклар, хиёбонлар, фавворалар, қайта таъмирланиб, янгича ҳусну тароват касб этган қадимий обидалар, қадамжолар гўзал ва бетакрор шаҳримиз кўркига кўрк қўшмоқда.

Пойтахтимиз жамолини кундан кунга очаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларининг катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятини, кенг кўламли ўзгариш ва янгиланишлар энг буюк неъмат — Мустақиллик берган имкониятларнинг амалдаги самараси эканини, ватанпарварлик она юртни ўрганишдан бошланишини инобатга олиб, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Тошкент оқшоми» – «Вечерний Ташкент» газеталари таҳририяти **«Сиз Тошкентни биласизми?»** викторинасини ўтказмоқда.

Викторинада барча газетхонлар, пойтахт аҳолиси ва меҳмонлар ёши ва маълумотидан қатъий назар, иштирок этишлари мумкин.

Газеталаримизда викторина саволлари эълон қилинади. Кўрсатилган манзилга энг аввал етган тўғри жавоб ғолиб саналади.

Ҳар ўнта саволдан кейин энг кўп тўғри жавоб йўллаган ғолиб аниқланади.

Ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилади.

Викторинанинг мутлақ ғолиби Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида аниқланади.

Викторина жавоблари **«Тошкент оқшоми» – «Вечерний Ташкент»** газеталари таҳририятига ёки **gazeta-vto@umail.uz, info@tashkent.uz** электрон манзилларига йўлланиши лозим.

Мурожаат учун телефонлар: 233-29-33, 233-29-55, 233-45-84.

Савол:

Тошкентда Олимпия шон-шухрати музейи қачон очилган?

Санъат

МУСИҚА ФЕСТИВАЛИ

Юртимизда илк бор жаз фестивали ўтказилди. Ўзбекистон Давлат консерваториясида Ботир Зокиров номидаги жаз оркестри билан ҳамкорликда ташкил этилган концерт дастурида чет эл жаз асарларидан ташқари, ўзбек миллий куйлари ҳам шу йўналишда ижро этилди.

Бугунги кунда юртимизда мусиқа санъати ривожига қаратилаётган эътибор самарасида эстрадамиз ҳам ўзининг барда-вом йўли ва анъаналари асосида равнақ топмоқда. Бу борада Ўзбекистон Давлат консерваториясининг эстрада-чолғу ижрочилиги бўлими профессор-ўқитувчилари томонидан салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Туркманистон композиторлари уюшмаси танловининг лауреати, Гавр (Франция) шаҳрида бўлиб ўтган халқаро композиторлар танловининг дипломанти Валерий Сапаров ўзининг фортепианода яратилган кўплаб асарлари билан жаз мусиқаси репертуарларини бойитиб келмоқда.

Эстрада-жаз йўналишида таҳсил олаётган талабалар таълим олиш жараёнида касбий кўникмаларни ўзлаштирибгина қолмай, ўзларининг мусиқий дид ва ижро маҳоратини юксалтириб бормоқда. Боиси, жаз мусиқа санъатининг энг оммавий тури сифатида принципиаллик ва фавқулодда изланувчанликни талаб этади.

Фестиваль давомида француз жаз пианиночиси Пьер де Бетманн талабалар учун очиқ дарслар олиб борди. Бундан ташқари Ўзбекистон Давлат консерваторияси қошидаги иқтидорли болалар мусиқа академик лицейи ўқувчиси Санжар Турсуновнинг хорижлик созандалар билан биргаликда фортепианода жаз асарларини ижро этиб олқишларга сазовор бўлди.

Темур ЭШҚУВВАТОВ

Спорт янгиликлари

«ЎЗБЕГИМ ЎҒЛОНЛАРИ» ҒОЛИБ

Ёшларимизнинг билим олишга, халқ корига камарбаста бўлишга иштиёқи кучайиб бормоқда. Улар орасида юртимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлашдек шарафли бурчни касб сифатида танлаётганлар кўпчиликни ташкил этаётгани қувонарлидир.

Мамлакатимиз олий ҳарбий таълим муассасаларида ана шундай йигит-қизлар таҳсил олмоқда. Уларнинг салоҳиятини янада юксалтириш, сиёсий-ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш мақсадида «Тафаккур синовлари» кўрик-танлови ташкил этилди.

Пойтахтимизда мазкур танловнинг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимидаги олий таълим муассасалари ўртасидаги босқичи бўлиб ўтди. Унда Ички ишлар вазирлиги академиясининг «Ҳуқуқшунос», Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабининг «Ватанпарвар», Тошкент олий ҳарбий-техник билим юртининг «Ўзбегим ўғлонлари» жамоалари ўзаро куч синашди.

Тошкент олий ҳарбий-техник билим юрти бошлиғи Ҳ.Маматов ва бошқалар вазирлик тизимидаги олий ўқув даргоҳларида таълим жараёни замонавий давлат таълим стандартлари, ахборот ва илғор педагогик технологияларни қўллаган ҳолда, намунавий ўқув режалари асосида олиб борилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 19 июндаги «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг фаолиятини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони бунда муҳим омил бўлиб, мазкур ҳужжат асосида ички ишлар идоралари учун кадрлар тайёрлаш тизими тубдан ислоҳ қилинди.

Барча ўқув даргоҳларида таълим жараёни амалиёт билан уйғун ҳолда, тегишли хизматлар билан яқин ҳамкорлик асосида йўлга қўйилган. Курсантларнинг жисмоний тайёргарлигини юқори даражада таъминлаш учун спорт секциялари мунтазам фаолият кўрсатмоқда. Тингловчилар ўқув жараёнида нафақат назарий, балки амалий кўникмага ҳам эга бўлиб, мард, жасур, ўз касбининг фидойилари бўлиб етишмоқда.

Танловда курсантлар эгаллаган билим ва кўникмалари, мамлакатимиздаги ўзгариш ва янгиланишлар, барча соҳаларда эришилаётган ютуқ ва марралардан яхши хабардорлигини, иқтидор, тафаккур ва санъатда ҳам ўзига хосликларини намоён этди. Барча шартларни аъло даражада адо этган Тошкент олий ҳарбий-техник билим юртининг «Ўзбегим ўғлонлари» жамоаси ғолиблиги қўлга киритиб, танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

Н.АБДУРАИМОВА, ЎзА мухбири

Италиянинг Венеция шаҳрида ўсмирлар, ёшлар ва катталар ўртасида таэквондонинг ITF Васко йўналиши бўйича ўтказилган жаҳон чемпионати якунланди. Ўттизга яқин давлатдан 600 нафардан зиёд спортчи иштирок этган мусобақада юртимиз спортчилари муваффақиятли қатнашди.

ЁШ СПОРТЧИЛАРИМИЗ ШОҲСУПА ТЎРИДА

Мусобақа якунида 16 та олтин, 5 та кумуш, 6 та бронза медалини қўлга киритган ҳамюртларимиз умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди. Спортчиларимиздан Заргуна Ахрорқулова бир йўла 3 та олтин медаль билан тақдирланди. Зуҳра Эргашева эса икки бор шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Умумжамоа ҳисобида шоҳсупанинг иккинчи поғонаси Шотландия терма жамоасига насиб этган бўлса, кучли учликка Италия терма жамоаси якун ясади.

Абдулазиз МУСАЕВ

СОВРИНДОРЛАР АНИҚЛАНДИ

Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтида экоҳафталик доирасида югуриш, мини-футбол бўйича спорт марафони ўтказилди.

Табиатни муҳофаза қилиш, экологияни асрашга ёшларнинг ҳиссасини қўшиш мақсадида уюштирилган спорт марафонида пойтахтимиз олий ўқув юртларининг талабалари иштирок этишди.

Муросасиз курашлар остида ўтказилган югуриш баҳслари ҳамда мини-футбол беллашувлари йиғилганларда илиқ таассурот уйғотди.

Тадбир якунида ғолибликни қўлга киритган жамоаларга совринлар тақдим этилди.

(Ўз мухбиримиз)

Шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятидан

ХАВФСИЗЛИК ТАДБИРЛАРИ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

Ёзги мавсум бошланиши заҳоти пойтахтимиз ҳудудида жойлашган катта сув ҳавзалари, кичик дарёлар ва истироҳат боғларидаги кўллар чўмилувчилар билан гавжум бўлади. Уларнинг аксариятини ўрта таълим масканлари, мактаб ва лицейларнинг ўқувчилари ташкил этади. Айрим ҳолларда чўмилишнинг кўнгилсизлик билан тугаётганлиги ачинарлидир. Сувга чўкиш билан боғлиқ нохуш ҳодисалар рўй беришининг асосий сабаблари баъзи ўқувчиларнинг сузишни яхши билмаслиги, чўмилиш қоидаларига риоя қилмасдан сувга шўнғиш ва бошқа омиллардир.

Таъкидлаш жоизки, ҳар бир эҳтиётсизлик ёши ва келиб чиқишидан қатъи назар инсон ҳаёти учун қимматга тушиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳар қандай фуқаронинг чўмилиш давомида хавфсизлик қоидаларига риоя қилиши тавсия этилади.

Таҳлилларга қараганда, хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик, ёш болаларнинг катталар томонидан назоратсиз қолиши, чўкаётган одамга ўз вақтида кўмак бера олмаслик, яъни қутқарув усулларидан бехабарлик, қирғоқдагиларга ёрдам кўрсата билмаслик сувда чўкиб нобуд бўлиш ҳодисаларига сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, сузиш пайтида ўзбошимчалик ёки лоқайдлик билан ўз кучига ортиқча ишониш, сувда, қайиқда безорилик ёки номуносиб хатти-ҳаракатлар қилиш ва нотаниш жойда ёлғиз ҳолда чўмилиш кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкин. Юқорида айтиб ўтилган эслатмаларга ҳар бир инсон риоя қилса, бир қанча нохуш ҳодисаларнинг олдини олишга муваффақ бўламиз.

Афсуски, сувга ғарқ бўлганларнинг аксарияти қўриқланмайдиган сув ҳавзаларида кўпроқ кузатилмоқда. Аянчли томони шундаки, сувда чўкаётганларнинг кўп қисмини ёш болалар ва ўсмирлар ташкил этади.

Маълумки, пойтахтимиз ҳудуди орқали ўнлаб дарё, канал ва анҳор сувлари оқиб ўтади. Бундан ташқари, деярли ҳар бир истироҳат боғида чўмилиш масканлари фаолият кўрсатади. Ёзги мавсумда ҳаво ҳарорати ошгани сари бу масканларнинг ён-атрофи одамлар билан гавжум бўлади.

Хавф рўй бермай туриб, унинг олдини олган афзал, деганларидек сувга чўкиш билан боғлиқ нохуш ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича ёзги таътил мавсумида Тошкент шаҳри ҳудудидаги мавжуд каналлар, сув ҳавзалари, чўмилиш жойлари ва бассейнларда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда чўмилиш тақиқланган жойларда чўмилишига йўл қўймаслик мақсадида шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси тасарруфидаги барча мактаб ва интернатларда таҳсил олаётган ҳамма ўқувчилардан диктант ва баёнлар ёздирилиши ҳамда уларнинг ота-оналари томонидан ёзги таътил мобайнида фарзандларининг рухсат этилмаган сув ҳавзаларида чўмилмасликларини назорат қилишлари бўйича кафолат хатлари ёздирилди.

Хабарингиз бор, ўтган йили Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғининг имзоси билан Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғига сувда чўкиб кетиш билан боғлиқ нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида пойтахтда фаолият кўрсатаётган барча таълим муассасаларининг таътилга чиқаётган ўқувчиларига диктантлар ёздириш ва уларнинг ота-оналаридан кафолат хатлари олишни сўраб мурожаат қилинган эди.

Ўз навбатида Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғидан жавоб хати олинганди. Унда Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси томонидан ўзбек ва рус тилларида тайёрланган диктант матнлари барча туман Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари орқали таълим муассасаларига етказилгани, умумтаълим мактабларининг 1-4- ҳамда 5-синф ўқувчилари ўртасида «Сувда ва сув бўйида ўзини тутиш қоидалари», 6-7-синф ўқувчилари ўртасида «Сузишни билинг», 8-9-синф ўқувчилари ўртасида «Нептун насиҳатлари» мавзуларида диктантлар ўтказилгани баён этилган. Шунингдек, таълим муассасаларида малакали мутахассислар, жумладан, тиббиёт ходимлари, сувда раҳбарлари иштирокида сувда ўзини тутиш ва сузиш қоидалари хусусида давра суҳбатлари ташкил этилгани кўрсатиб ўтилган эди.

Бундан ташқари, жавоб хатидаги иловага кўра, пойтахтдаги 11 та туманнинг барчасида, яъни 291 та таълим муассасаларидан таътилга чиққан жами 268435 нафар ўқувчиларга диктант ёздирилгани ва уларнинг ота-оналаридан кафолат хатлари олингани алоҳида маълум этилганди.

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан жорий йил май ойининг охирларида Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси тасарруфидаги мактаб ва интернатларда таҳсил олаётган 310 122 нафар ўқувчиларга «Сувда ўзини тутиш қоидалари», «Белгиланмаган жойларда чўмилмаслик» каби мавзуларда диктант ёздирилди.

Ўйлаймизки, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси билан ҳамкорликда олиб борилган хавфсизликни таъминлашга қаратилган бу саъй-ҳаракатлар бу йил ҳам ўзининг ижобий самарасини беради.

Азамат СУЮНОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

RESPUBLIKA MULK MARKAZI AJ RMM JAMIYATI

20 ЙИЛЛИК ВАҚТ БИЛАН СИНАЛГАН ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

«Respublika mulk markazi» АЖ хорижий ва маҳаллий сармоядорлар ҳамда мулкдор бўлиш истагидаги барча фуқароларни хўжалик юритувчи субъектларнинг устав фондидаги улушлари, автомототранспорт воситалари, асбоб-ускуналар ва кўчмас мулк ҳисобланмайдиган бошқа турдаги давлат ва нодавлат молмулкларнинг оммавий савдоларида иштирок этишга таклиф этади.

Телефон: (0 371) 228-79-52, 228-80-31. www.rmm.uz

«Respublika Mulk Markazi» АЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Тошкент шаҳар Олмазор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 19.08.2014 йилдаги 10-1413/11603-сонли ижро варақасига асосан хатланган Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Широқ кўчаси, 100-уй манзилида сақланаётган «Chevrolet Optra» русумли д/р 01/069 КСА бўлган, 2007 йил и/ч автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 40 112 000 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 6 июль куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 3 июль куни соат 18:00. Автотранспорт воситаси билан Олмазор туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «RMM» АЖнинг АИТБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850 га тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома, чет эл юридик ва жисмоний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Аризаларни қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1^А-уй. Тел: 228-79-52. www.rmm.uz. Гувоҳнома № 001580.

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан ҳафтанинг ҳар шанба куни бошқарма биносида тадбиркорлик субъектларида мавжуд бўлган муаммо ва таклифларни ўрганиб бориш мақсадида «Очиқ эшиклар куни» ташкил этилган.

Тадбиркорларнинг малакали мутахассислар билан мулоқоти бошқарма биносида соат 10.00 дан 13.00 гача бўлиб ўтади.
Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 2А-уйнинг биринчи қавати.
Бошқарма маъмурияти.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **12 июнь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 17-19, кундузи — 35-37 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **12 июнда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, ифлослиги даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95 факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9221

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 655

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 11711 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.30

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ